

## ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК

Юсупов Араббой

Убайдуллаев Саидакбар Саидалиевич

*Фаргона давлат университети ҳарбий таълим факультети талабалари*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК тушунчаси ҳақида қиссагибна сўз боради. Ёшларимиз онгида ватанпарварлик тусгҳунчасини янада юксалтириши, муҳтарам Президентимиз бу борада биз ёшларга яратиб бераётган улкан имкониятлар, ҳақида сўз боради

**Калит созлар:** ватанпарварлик, баландпарвоз, самара, кўпчиликлар, тиббиёт, уй-жойлар

Бу сўз кимлар учундир биров баландпарвоздай туюлар, лекин бизнинг бугунги барча ишларимиз самарасини айнан мана шу калом белгилаб беришига шубҳа йўқ. Бугун биз учун чинакамига Янги ҳаёт бошланди. Уйғоқ назар билан қаралса, юртимизнинг кўрку таровати кун сайин сайқал топиб бормоқда. Шаҳарларимиздаги сити шаҳарчалар, равон йўллар кўприклар, метронинг янги йўналиш йўлакларини, кўп қаватли уй-жойлар Ислоҳотларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳеч бир соҳа назардан четда қолиб кетаётгани йўқ. Тиббиёт дейсизми, матбуот дейсизми, маданият, таълим-тарбия ва давлат тилига алоҳида эътиборда бўлиш, мамлакатимизнинг барча жабҳадаги дунёвий кўрсаткичларини юксалтириш баробарида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари салоҳиятини ҳам янги босқичга олиб чиқиш...

Дарвоқе, Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни арафасида Қуролли Кучлар Академиясига ташриф буюрди. Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раислигида Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятининг 2020 йил якунлари ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада ошириш борасида бажарилган ишлар, Қуролли Кучларни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг натижалари батафсил сарҳисоб қилинди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан Қуролли Кучларни ривожлантириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари эътироф этган “ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди” деган биргина сўз

барчамизни янада огоҳ бўлишга ундайди, фарзанд тарбияси йўлида алоҳида эътибор қаратилиши лозим жиҳатларни ёдимизга солади. Жондан азиз фарзандларимиз қалбида миллий рух, она-Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, қолаверса, буюк аجدодларимизга муносиб авлод бўлишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бу йўлда мамлакатимиз бўйлаб Президентимиз бошчилигида жуда катта сафарбарлик эълон қилинмоқда. “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган шиорнинг ўзи барча мақсад ва муддаоларимизни баён қилиб турибди.

Бугунги кунда глобал ахборот маконидаги қарама-қаршилик, инсон, айниқса ёш авлоднинг онги ва қалби учун курашнинг кучайиши шароитида айнан ватанпарварлик тушунчасининг роли ва аҳамияти ортиши табиий. Мисол тариқасида митти бола – гўдак ҳатти-ҳаракатини кузатсангиз ҳам унинг тийнатида “бу – меники, менга тегишли” деган иддао яққол кўриниб туради. Қолаверса, хархашаларининг моҳиятида ҳам эгалик ҳиссини ўзида сақлаб қолиш мақсади ҳукмрон бўлади. Демак, биздан талаб битта, у ҳам бўлса, фарзандларимиздаги эгалик ҳиссини юксалтириш, бу йўлдаги ишларимизга ватанпарварлик руҳини дадил сингдиришдан иборат.

Мен ўзини ўзбек дея танитиб, киборларча бошқа тилларда сўзамоллик қилувчиларни хуш кўрмайман ва ишонч билан айта оламанки, уларнинг кўнглида Ватанпарварлик кайфиятидан асар ҳам бўлмайди. Зеро, Юртни севиш – “бу Ватан – менинг ор-номусим!” деган сўзни қалбдан чиқариб айта олиш дегани. Орияти бор юрак эса бошқа тилда гапириб, ўзини кўз-кўз қилмайди, мақтанмайди. Қайтанга ўз тили доврўғини янада юксалтириш, қийматини ошириш йўлидан боради.

Президентимизнинг 2020-йил 25-декабр куни Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи миллионлаб йигит-қизларимизни руҳлантириб юборгани бугун улар кўзидаги қувонч, қалбидаги шижоатда намоён бўла бошлади. Айниқса, жорий йил номида ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсади етакчилик касб этгани ҳам ҳар жабҳада улар фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилиши ҳам айнан ёшларнинг маънавий тарбиясига бағишланди. Йиғилиш давомида ёшларни ёт ғоялар таъсиридан айнан маърифат, маънавиятнинг кучи билан асрашимиз лозимлиги яна бир бор қайд этилди. Шунингдек, йиғилишда фарзандларимизни вертуал олам, ижтимоий тармоқлар таъсиридан қутқаришда китобларнинг ўрни беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Nurmukhammad, K., Kuyoshbek, Y., Arabboy, Y., & Jasurbek, T. (2022). THE SPIRITUAL LAW OF OUR PATRIOTIC LIFE. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(17), 1-4.
2. Yorqinjon, A., Arabboy, Y., Mirjalol, M., & Begzot, S. (2022). PRINCIPLES OF GOVERNING THE EDUCATION SYSTEM. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(1), 263-267.
3. Abdugani, Boltaboyev, Yusupov Arabboy, and Mansurov Mashrabboy. "General characteristics of the military committees of the armed forces of the Republic of Uzbekistan." ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11.4 (2021): 1062-1065.
4. Muhiddin, H., Arabboy, Y., Botirjon, O., & Oybek, T. (2022). The Role of Legal Culture in Youth Education. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 4, 47-48.
5. Baxodir, P., Baxriddin, A., Ilhomjon, T., & Arabboy, Y. (2022). The Concept of Patriotism in The Mind of Youth. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 5, 82-83.
6. Fardu, K. U., Arabboy, Y., Shoxmuxammad, B. O. M., & Paxlavonjon, X. (2022). Innovative Methods of Teaching. Available at SSRN 4000877.
7. Ikhtiyor, S., Mamirovich, B. A., Bukhodirjon, Y. A., & Shokhmukhammad, M. (2021). METHODS OF USING EDUCATIONAL AND SKILLS OF STUDENTS IN TRAINING. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(8), 109-111.
8. Ogli, Y. A. B., Ogli, A. J. I., & Ogli, U. S. S. (2021). HOLY DEFENSE OF THE COUNTRY. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(10), 544-546.
9. Abdugani, B., Bahriddin, A., Bahodir, P., & Ugli, Y. A. B. (2021). Education Is the Foundation of Sustainability. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 3, 14-17.
10. Bohodirjon, Y. A., Sayidakbar, U., Islomjon, K., & Jamhurbek, A. (2021). Historical Laws of Development of The System of Physical Education, General Principles of Physical Education, Ways of Their Implementation in The Classroom. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 3, 184-187.
11. Nurmukhammad, K., Kuyoshbek, Y., Arabboy, Y., & Jasurbek, T. (2022, May). AMIR TEMUR'S MILITARY ACTIONS. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEA Nurmukhammad, K., Kuyoshbek, Y., Arabboy, Y., & Jasurbek, T. (2022).
12. PATRIOTISM IS A GREAT VALUE. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 1(11), 1-4. RCH CONFERENCE (Vol. 1, No. 3, pp. 1-9).
13. Nurmukhammad, K., Kuyoshbek, Y., Arabboy, Y., & Jasurbek, T. (2022). THE CONCEPT AND CONCEPT OF PATRIOTISM IN THE TEN OF YOUTH. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(17), 1-3.

14. Nurmukhammad, K., Kuyoshbek, Y., Arabboy, Y., & Jasurbek, T. (2022, May). AMIR TEMUR'S MILITARY ACTIONS. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE (Vol. 1, No. 3, pp. 1-9).